

21.305

Число

2356

2

305

Элементы
(всего)

0.261.

158 места

Ч У Л П О Н

Ё Р Қ И Н О И

6 парда - кўриниши ва фсонавий томоша

Муводиъ ваҳдат мақоми ишқдир

Ким мушаххас ўлмос ул воқида султондан гадо

/Фузуний/

Ўзбекистон Давлат нашриёти

Тошкент, 1926 йил

2

Тотли Вабой тили билэн эртек /чупчак/ айтиб
бериб шу асарнинг ёзилишига сабаб бўлган

КАМПИР ОНАГА

Хурмет билэн бағишлайман

ЧЎЛПОН

Москва, 1926, март-29

БИРИНЧИ ПАРДА

/Бу парда "11" мажлисдан иборатдир/

АРАЛАШАРЛАР: /кириш тартиби билан/

- ПУЛАТ -- Боғбон йигит, 30-35 ларда.
- ҚУМРИ -- Хизматчи қиз, 17-18 ларда.
- МАМА ХОТИН -- "Оқ соч", 50 ларда.
- ЁРАДИН -- Саркарданинг қизи, 20 ларда.
- ЎЛМАС БОТИР -- Саркарда, 50-55 ларда.

БИРИНЧИ ПАРДА

/Ўлмае Ботирнинг кўрган боқчасида урук дарахларининг таги. Тўрда - урукзордан сўнг олмасор, унинг орқасида узун-узун сур-так /шам/лар. Кўклам бошлари: ҳамма дарахларнинг япроқлари кўмкўк, тоса; гуллар чаман-чаман бўлиб очилганлар. Вақт ярим кечага яқинлашган, дарахларнинг орасидан ойдинлик тушадир, йироқлар сундак ойдин. Оғир ва сирли бир кимлик.

Бир гиламча, бир шер териси пўстак билан иккита ёстиқ кўтариб Пўлат чиқар. Содда - хизматкарларча кийинган, белида ёлғиз "боғбон ничоғи" осилган/.

1-нчи мажлис, Пўлат ёлғиз

Пўлат - /Уёқ-буёққа жилингилаб қараб олгандан кейин қайрон бўлиб кўтарган нарсаларини секингина ерга қўяр/ Шу, шу! Қан-тав урукнинг таги деген шудир. "Тагида бир туп бели синган қари урук бор" деган эди, /қараб/ ҳа, шу, аммо, мен билмадим ким, ярим кечада бу тароқ-туруқ нима учун ва ким учун бўлса? Ё бирарта новик меҳмон келарми экан? - /ўйлаб/ йўқ, йўқ, ҳар қандай новик меҳмон бўлса ҳам ҳовузнинг бўйига жой қилдирар эди. Ё Ботирнинг ўзи чиқарми экан? Унинг ухлагали ётганига қанча бўлибдию. Иннайки, Ботир ярим кечаларда мундоқ тўполан қилиб юрмайдида. /қараб/ Ҳа, ана Қумри келаяпти. Ўшандан сў-раймен. Бу кичкина, жиккак, қоқожон қиз Ўлгур, бу - ҳамма нарсани билади. /Пўлат келган томондан Қумри келиб чиқадир/.

2-нчи мажлис. Пўлат, Қумри.

Қумри - Пўлатхон, шу чоққача жойни тайёр қилмадингми?

Пўлат - Жойни ҳозир тайёр қиламан, мана нарсанарни олиб келдим /гилам, пўстакларни ёзабошлаб яна тўхтар/ Менга қара!